

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АРИПОВ МИРОЛИМ МИРАЗИМ ЎҒЛИ

**ГИЛОСНИ МУЗЛАТИБ САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Арипов Миролим Миразим ўғли Гилосни музлатиб сақлаш технологиясини такомиллаштириш.....	3
Арипов Миролим Миразим угли Совершенствование технологии замораживания черешни.....	21
Aripov Mirolim Mirazim ogli Improvement of cherry freezing technology.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АРИПОВ МИРОЛИМ МИРАЗИМ ЎҒЛИ

**ГИЛОСНИ МУЗЛАТИБ САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3043 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Шерзод Машрабжанович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Баракаев Нусратилла Ражабович
техника фанлари доктори, профессор

Сагдуллаева Дилафруз Саидакбаровна
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Фаргона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ракамли Илмий кенгашининг 2023 йил «23» 03 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоний кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (50 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоний кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2023 йил «3» 03 кунни тарқатилган.
(2023 йил «3» 03 даги №50 рақамли реестр баённомаси).



С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

К.П. Серкаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида табиий витаминлар, микро- ва макроэлементларга бой мавсумий мева-сабзавотларга бўлган талаб йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга, мевалардаги табиий моно- ва дисахаридлар билан бирга ўзига хос таъмини белгилаб берувчи, органик кислоталари меъёрларда сақловчи, музлатишнинг технологиясини такомиллаштириш, унумдорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохатлар долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳон озиқ-овқат саноатида мева-сабзавотларни сифатли ва энергиятежамкор технологиялар асосида сақлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада анъанавий ва шок усулда музлатиш даврларида асосий ранг параметрлари қийматлари, текстур кўрсаткичлари ва ферментатив фаоллигини сақлаб қолувчи, витамин ва минерал моддаларга бой меваларини сақлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кенгайтириш, Ўзбекистонда етиштирилаётган биологик фаол моддаларнинг муҳим манбалари ҳисобланган гилос меваларини сақлашнинг истиқболли ва самарали усулда музлатиш технологияларини ривожлантириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш салоҳиятини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза, сифат кўрсаткичи юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, азотли музлатиш аппаратларидан фойдаланиш, тез (шок) музлатилаётган маҳсулотлар камерадан аппарат музлашига ўтиш билан совутиш тезлигини ошириш бўйича такомиллаштирилган узлуксиз жараёнларини яратиш, музлатиш давомийлигини қисқартирилган, экологик тоза совутиш агентидан фойдаланилган ишлаб чиқариш технологияларини мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сонли «Озиқ-овқат тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли «Мамлакатнинг озиқ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалик, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Мева ва сабзавотларни музлатиш ва уни сақлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича К.А. Fikiin, D.M. Barrett, L.P. Somogyi, Н. Ramaswamy, М.Г. Ските, С.А. Райе, К.А. Анджелл, Эрдели Л., Алмати Э., Шарой Т., Аверин Г.Д., Журавская Н.К., Каухчешвили Э.И. Антонов А.А., Венгер К.П., Венгер К.П., Антонов А.А. Г.А. Белозеров, М.А. Дибирасулаев, В.Н. Корешков, З.С. Салимов, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Артиқов, О.Ф. Сафаров, Х.С. Нурмухамедов, Ж.М. Қурбонов, Х.Ф. Жўраев, Қ.О. Додаев, С.Г. Зокиров, У.В. Маннонов, В. Shamsutdinov ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, меваларни ювиш ва саралашдан сўнг музлатиш камераларида -10 - 15 °С музлатиб 6-9 ойгача сақлаш, совутиш агенти тезлиги ва турини жараён давомийлигига, хом ашёнинг органолептик кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилиш, резаворларни музлатишда қандли сироп, аскорутин эритмаси, лимон кислота ёки аскорбин кислота билан ишлов бериш орқали маҳсулотларни сақлаш даврида уларни оксидланиш даражасини камайтириш бўйича такомиллашган технологиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга гилос намуналарини шок музлатиш ва анъанавий музлатиш жараёнларини қиёсий таҳлили, сақлаш даврига таъсир этувчи омиллар, азотли музлатиш аппаратларидан фойдаланиш, музлатиш давомийлигини қисқартирилган, экологик тоза совутиш агентидан фойдаланилган ишлаб чиқариш технологияларини мақбуллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ИОТ-2017-7-13 «Сабзавотларни комбинацион усулда қуритиш технологиясини ишлаб чиқишга жорий қилиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гилос мевасини шок усулда музлатишнинг жараён давомийлиги қисқартирилган, экологик тоза совутиш агентидан фойдаланилган такомиллашган технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

музлатиб сақлаш учун мос гилос навини танлаш;

анъанавий ва шок музлатиш жараёнини тадқиқ қилиш, таққослаш;

сақлаш даврида меваларни сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
меваларни музлатишдан аввал дастлабки ишлов бериш жараёнларини ўрганиш;

оптимал шок музлатиш режимларини аниқлаш;

музлатиш шароити ва сақлаш даврини гилос таркибига таъсирини ўрганиш;

музлаш жараёнининг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

гилос мевасини шок усулда музлатишнинг жараён давомийлиги қисқартирилган, экологик тоза совутиш агентидан фойдаланилган технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда етиштириладиган ва экспортга мўлжалланган гилос мевасининг Буқа кўз («Бычий глаз»), Май («Майский») ва Буқа юраги («Воловое сердце») навлари тайёрлаш қурилмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети гилос намуналарини шок музлатиш, қандли сироп (эритмаси) ва аскорутин билан ишлов бериш таъсирини ўрганиш ҳамда сақлаш даврида унинг кимёвий ва органолептик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда хомашё ва музлатилган маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган стандарт, физик-кимёвий, махсус органолептик ва корреляцион-регрессион таҳлил ҳамда экспериментларни статистик-математик режалаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

танланган гилос намуналарини шок музлатиб, 6 ойлик сақлашдан кейин эрувчан қаттиқ моддаларнинг 2% ортиши, танинлар миқдори 2 баравар камайиши исботланган;

30 % қандли сироп ва 4 % аскорутин билан ишлов бериб шок музлатилган гилос таркибида қанд миқдори 10-12 ой давомида максимал миқдорларда сақланиши исботланган;

шок музлатиш ва сақлаш даврини гилоснинг кимёвий таркибига, жумладан, моно ва дисахаридлар, аскорбин кислотаси, кислоталилик кўрсаткичларини ўзгаришларга таъсири аниқланган;

гилос мевасини шок усулда музлатишнинг жараён давомийлиги қисқартирилган, экологик тоза совутиш агентидан фойдаланилган такомиллашган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дастлабки ишлов бериш орқали кимёвий хусусиятларини максимал сақлаб қолувчи гилосни тез (шок) музлатишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

сақлаш даврида маҳсулотнинг сифатига 30%ли қандли сироп билан ишлов бериш бўйича конструктив тавсиялар ишлаб чиқилган;

экологик тоза совутиш агентидан фойдаланиб гилос мевасини шок усулда музлатишнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил натижалари

лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган, маълумотлар замонавий MATLAB 6.5 ва STATISTICA 6.0 компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланган, баҳолаш мезонларининг адекватлиги ва реал ишлаб чиқариш билан қиёсий таҳлиллари орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 30 %-ли қандли сироп ва 4 %-ли аскорутин билан дастлабки ишлов бериш ва шок музлатиш орқали табиий витаминлар, микро- ва макроэлементлари максимал қолувчи гилосни сақлаш жараёнларининг оптимал шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гилосни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда музлатиш жараёни режим параметраларини танлаш, қандли сироп ва аскорутин билан дастлабки ишлов бериб, шок музлатишнинг такомиллашган технологияси тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гилосни музлатиб сақлаш технологиясини такомиллаштириш жараёни бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қандли сироп ва аскорутин билан ишлов берилган гилос меваларини шок музлатиб сақлаш технологияси «GOLD DRIED FRUITS EXPORT» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2022 йилнинг 21 декабрдаги 21-117/12-22-сон маълумотномаси). Натижада таркибидаги витаминлар, микро- ва макроэлементлари максимал қийматларда сақланиб қолувчи гилос меваларини мавсумий экспорт қилиш имконини берган;

дастлабки ишлов бериш ва тез (шок) музлатиш орқали гилос меваларини сақлашнинг такомиллаштирилган технологияси «SUNNY LAND PRODUCTS» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2022 йилнинг 21 декабрдаги 11-8/11-22-сон маълумотномаси). Натижада, таркибидаги табиий қанд миқдори 74 %, аскарбин кислотаси 42 % қолувчи гилос меваларини 12 ой сақлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва бта республика илмий-техник конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та, жумладан, 8 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий матнли материалнинг ҳажми 102 бетдан иборат бўлиб, унда 20 та расм, 15 та жадвал келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини асослайди, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини, тадқиқот объекти ва мавзусини шакллантиради, Республика фан ва технологиясининг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатади. Тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти таъкидланган, олинган натижаларнинг амалда қандай қўлланилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар тақдим этилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлатишга доир тадқиқотлар таҳлили» деб номланган **биринчи бобида** музлаш жараёни назарияси ва технологиясининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинади, меваларнинг музлаш объекти сифатида технологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тизимлаштирилди. Тез (шок) музлатиш жараёнини ўрганиш натижалари, меваларни музлатиш усуллари ва қурилмалари келтирилган. Тизимларнинг яхлитлиги ва барқарорлиги даражасини ҳисоблаш асосида меваларни қайта ишлашнинг паст даражада ташкил этилган қисми аниқланди. Ушбу боб умумий ва таҳлиллаштирилган бўлиб, тадқиқотнинг асосий концепциясини шакллантиришга қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тадқиқот объектларининг физик-кимёвий хоссалари, шок музлатиш ва сақлаш усуллари» деб номланган бўлиб, ушбу бобда экспериментал тадқиқотлар усуллари ва воситалари тўпланиб, музлатиш ва сақлаш объекти сифатида гилоснинг хусусиятларини ўрганиш натижалари, ўрганилаётган объектнинг хусусиятлари, музлатиш қурилмаси режимлари ва усуллари келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Паст ҳароратда гилосни тез (шок) музлатиш» деб номланиб, эксперимент натижалари келтирилган, бунда асосан тадқиқот учун танланган гилос намуналарини анъанавий ва тез (шок) музлатиш жараёнидаги қиёсий таҳлиллари, маҳсулотга дастлабки ишлов бериш жараёнларининг сақлаш давридаги таъсири кўрилган.

Гилоснинг музлатиш давомийлигини ҳавонинг ўртача ҳарорати ($t_{\text{ўр}}$), унинг айланиш тезлиги ($\omega_{\text{хав}}$) ва қалинлиги (δ) га қараб ҳисобланади. Қуйидаги 1-3-жадвалларда ҳавонинг айланиш тезлиги бўйича $\omega_{\text{хав}}=10; 20$ ва 30 м/с бўлгандаги натижалар келтирилган.

Олинган маълумотлар асосида меванинг термофизик хусусиятлари жараёнининг давомийлиги (τ), унинг қалинлиги (δ), ҳарорати ($t_{\text{ўр}}$) ва турбодетандердан паст ҳароратли ҳавонинг айланиш тезлиги ($\omega_{\text{хав}}$) таъсирига таҳлиллар ўтказилган.

1-жадвал

Айланиш тезлиги $\omega_{\text{хав}}=10$ м/с бўлганда

Маҳсулот номи	Маҳсулот қалинлиги δ , см	Ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ўр}}$, °C) ва уни айланиш тезлиги $\omega_{\text{хав}}=10$ м/с бўлганда маҳсулотларини музлатиш давомийлиги (τ , дақ)		
		-30 °C	-35 °C	-40 °C
“Бычий глаз” Гилос нави	2,4±0,5	37,8	33,5	30,6

2-жадвал**Айланиш тезлиги $\omega_{\text{хаво}}=15\text{м/с}$ бўлганда**

Маҳсулот номи	Маҳсулот қалинлиги δ , см	Ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ўр}}$, °C) ва уни айланиш тезлиги $\omega_{\text{хаво}}=15$ м/с бўлганда маҳсулотларини музлатиш давомийлиги (τ , дақ)		
		-30 °C	-35 °C	-40 °C
“Бычий глаз” Гилос нави	2,4±0,5	34,4	30,5	27,9

3-жадвал**Айланиш тезлиги $\omega_{\text{хаво}}=20\text{м/с}$ бўлганда**

Маҳсулот номи	Маҳсулот қалинлиги δ , см	Ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ўр}}$, °C) ва уни айланиш тезлиги $\omega_{\text{хаво}}=20$ м/с бўлганда маҳсулотларини музлатиш давомийлиги (τ , дақ)		
		-30 °C	-35 °C	-40 °C
“Бычий глаз” Гилос нави	2,4±0,5	31,3	27,7	25,3

3-расмда давомийликнинг (τ) музлатилаётган маҳсулот турига, ҳаво ҳароратига ($t_{\text{ўр}}=-35^\circ\text{C}$) боғлиқлигини иссиқлик алмашинувининг шароитларидан бирига боғлиқлигини кўрсатади: маҳсулот қалинлиги $\delta=2,4\pm 0,5$ см, ҳаво тезлиги $\omega_{\text{хаво}}=15$ м/с.

4-расмда музлатиш даврининг (τ) нинг $t_{\text{ўр}}=-30^\circ\text{C}$ ҳароратга ва ҳаво тезлигига ($\omega_{\text{хав}}$) ва маҳсулот қалинлигига боғлиқлигини кўрсатади: $\delta=2,4\pm 0,5$ см оралиғида.

Музлашнинг давомийлиги унинг текширилаётган ҳаво ҳарорати оралиғидаги қалинлик сезиларли даражада таъсир қилади. Ушбу боғлиқлик озик-овқат маҳсулотларини паст ҳароратли ҳаво билан музлатиш пайтида иссиқлик алмашинувининг бошқа изланилаётган шароитларида ҳам кузатилади (1-3-жадваллар).

Музлатилган маҳсулотнинг (δ) қалинлигига (τ) вақт таъсир даражаси “Бычий глаз” гилос навлари мисолида кўриб чиқилди (2-расм). Бунда, (δ) нинг $2,4\pm 0,5$ см $\omega_{\text{хаво}}=15$ м/с бўлганда (τ) вақт 34,4, 30,5, 27,9 дақиқани ташкил этади.

Қалинлиги $\delta=2,4\pm 0,5$ см бўлган гилос “Бычий глаз” нави мисолида, ҳарорат ($t_{\text{ўр}}$) ва ҳаво тезлиги ($\omega_{\text{хаво}}$) $\omega_{\text{хаво}}=20$ м/с бўлганда музлаш (τ) 31,3, 27,7, 25,3 дақиқани ташкил этади (3-жадвал).


Масалан, ҳаво оқимининг доимий тезлиги $\omega_{\text{хаво}}=10\text{м/с}$ бўлганида, ҳарорат $t_{\text{ўр}}$ нинг -30°C дан -40°C гача бўлган оралиғида пасайиши вақт (τ) 37,8, 33,5, 30,6 дақиқани ташкил этади; $t_{\text{ўр}}=-35^\circ\text{C}$ туширишнинг кейинги интерваллари (τ) ни ўртача камайтиради. Ушбу тенденция бошқа ўрганилган қалинлик (δ) ва гилос турлари учун сақланиб қолади (1-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, маҳсулот қалинлиги $\delta=2,4\pm 0,5\text{см}$ бўлган тақдирда, жараённинг максимал давомийлиги $t_{\text{ўр}}=-35^\circ\text{C}$ да тахминан 30 дақиқа ($\delta=2,4\pm 0,5\text{см}$) $\omega_{\text{хаво}}=15\text{м/с}$ да бу тез (шок) музлаш учун шароитларни таъминлайди.

$t_{\text{р}} = -35^{\circ}\text{C}$ да музлаш вақтини (τ) ҳаво тезлигини ошириш орқали камайтириш мумкин (3-расм, 1-3-жадвал). Маҳсулот қалинлиги $\delta = 2,4 \pm 0,5 \text{ см}$ бўлган ($\omega_{\text{хаво}}$) тезликнинг 10м/с да кўтарилиши (τ) вақтни 10% га, 15м/с гача - 20% га, 20м/с гача - 32% га камайтиради. Оқим тезлигининг давомийлигига таъсирининг бу хусусияти музлатилган маҳсулотнинг юқорида текширилган қалинлиги учун қолади.



1-расм. Гилос намуналарини ҳароратнинг тез (шок) музлатиш даврида ўзгариши.



2-расм. Гилос намуналарини ҳароратнинг анъанавий музлатиш даврида ўзгариши.

Гилос намуналарини тез (шок) музлатиш вақтида музлаш жараёнининг эгри чизиқлари 1-расмда келтирилган. Эгри чизиқлар меваларнинг ичидаги ҳарорат ва ташқи ҳаво ҳароратини вақт давомида ўзгаришини ифодалайди. 1-расмдан кўриниб турибдики, дастлабки 5 дақиқада меванинг ички ҳарорати -4 - 5°C ва уни ўраб турган ҳаво ҳарорати мос равишда -19 ... -21°C гача пасайган. Музлатиш эгри чизиғидан кўриниб турибдики, меванинг ҳарорати тез (шок) музлатишда 15-дақиқадан сўнг -16 ... -18°C га тушган ва уни ўраб турувчи ҳаво ҳарорати -27 ... -29°C га тушган. Музлатиш жараёни бошланганидан 27-30 дақиқа яқинлашгач меванинг марказидаги ҳарорат ва уни ўраб турган ҳаво ҳароратига мос равишда ўзгармас ҳароратга, гилоснинг ички ҳарорати -28 ... -30°C ва камера ичидаги ҳаво ҳарорати -35°C гача пасайган.

Гилос намуналарини анъанавий музлатиш камераларида музлатиш жараёнидаги ҳароратни вақт давомида ўзгариши 2-расмда келтирилган. Ушбу расмдаги музлаш жараёнини эри чизиқлари мева ҳароратнинг 2 соат ичида 15°C дан $-7,-8^{\circ}\text{C}$ даражагача пасайишини кўрсатади. 7 соатда меванинг ички ҳарорати -18°C га пасайди. 8 соатда -20°C гача ва музлатгич ичидаги ҳаво ҳарорати мос равишда $-19\dots-21^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди.

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, шок музлатиш усули мева сифатини яхшироқ сақлайди, бу эса музлатиш вақтларининг қисқариши билан боғлиқ. Меванинг марказига етиб бориш учун зарур бўлган музлаш вақти шок музлатиш усулида 30 дақиқа, анъанавий усули учун эса 480 дақиқани ташкил этди.

Тез (шок) музлатиш экспериментал тадқиқотлари «GOLD DRIED FRUITS EXPORT» корхонасининг Okto-Frost қурилмасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган бўлиб, бугунги кундаги экспорт бозоридаги музлатилган гилосга бўлган талаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган.

Корхонага махсус транспортларда олиб келинган гилос аввало тарозида оғирлиги ўлчанилиб кейин эса дастлабки меваларни ҳароратини $10\dots15^{\circ}\text{C}$ га тушириш учун вақтинчалик совутгичларга (камераларга) жойланилади. Гилос намунаси совутгичлардан чиқарилиб дастлабки ишлов бериш учур уларни назоратдан ўтказилиб гилосни чўпагидан ажратиш учун махсус қурилмага солинади, қурилмада мевалар алоҳида ва чўпаглари алоҳида ажралиб чиқади.


Қолган асосий маҳсулот тебранувчи (вибрацион) конвейерда суви силқиган ҳолда навбатдаги тадбиқ этаётган жараёнга гилосни 30% ли қандли сироп ва 4% аскорутин (эритма) билан қайта ишланилади. Бу жараёнда мева қандли сироп билан тўлдирилган ваннага бир томондан келиб тушади ва иккинчи томондан маҳсулот чиқа бошлайди бунда гилос ўзига керакли бўлган ҳимоя қобиғига эга бўлади.

Гилосга ишлов берилганидан сўнг тез (шок) музлатиш қурилмасига киритилади. Бу жараёнда мевага $t=-35^{\circ}\text{C}$ бўлган ҳароратда тез (шок) музлатиланади, жараённинг давомийлиги 30 дақиқани ташкил этади. Намуна музлатилгандан сўнг сараланиб (қўл назорати), нуқсонли бор мевалар ажратиб олиниб, қолган маҳсулот ҳажмига қараб ажратилинади (калибровка). Ҳажмига кўра ажратиш 3 хил ўлчамларда амалга оширилади: 15-20 мм, 20-25 мм, 25-35 мм 3 хил ўлчамлардаги гилос намуналари тарозида тортилиб алоҳида қутиларга жойланиб, сақлаш учун музлатгичларга жойланилади, сақлаш ҳарорати $-15\dots-18^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Маълумотлар ва тавсия этилган аналитик моделлардан фойдаланган ҳолда, гилоснинг музлатиш давомийлигини ҳавонинг ўртача ҳарорати ($t_{\text{ўр}}$), унинг айланиш тезлиги ($\omega_{\text{хав}}$) ва қалинлиги (δ) га қараб ҳисобланади.


$\delta=2,4\pm 0,5\text{ см}$ гилос учун музлаш вақтини $\tau=30$ мин даражасида таъминлайдиган рационал режимлар қуйидагича бўлади: $t_{\text{ўр}}=-35^{\circ}\text{C}$, $\omega_{\text{хав}}=15$ м/с.

Шундай қилиб, олинган тадқиқотлар натижалари гилосни тез (шок) музлатиш муддатини таъминлашга имкон берадиган шок музлатиш ускунасини ($t_{\text{ўр}}$, $\omega_{\text{хав}}$) муқобил иш режимини танлашга имкон беради.



3-расм. Қалинлиги $\delta=2,4\pm 0,5$ см бўлган гилоснинг ("Бычий глаз") нави музлаш (τ) давомийлигининг ҳаво ҳароратига (t_{yp}) ва унинг айланиш тезлигига ($\omega_{хаво}$) боғлиқлиги

Маҳсулотларни музлатишда бир қанча усуллар мавжуд. Бунда улардаги кимёвий нативликни сақлаш ва деформацияни олдини олишда уларга бирламчи ишлов бериш муҳимлиги, шу билан бирга совутиш агенти ва уни музлаш ҳарорати, тезлиги ҳисобга олиниши муҳим.



4-расм. Ҳаво айланиш тезлиги $\omega_{хаво}=15$ м/с бўлганда гилоснинг ("Бычий глаз" нави) музлаш давомийлигининг (τ) ҳаво ҳароратига (t_{yp}) ва маҳсулотнинг қалинлигига (δ) боғлиқлиги

Меваларга ишлов беришда қандли сиропдан фойдаланиш ўрганилган, лекин бунда меваларни иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда уларга маълум концентрациядаги қандли сиропларни қўллаш тавсия этилади. Шу билан бирга гилос меваси таркибидаги органик кислоталарни максимал даражада сақлаш учун уларни аскорбин кислота ёки аскорутин билан ишлов бериш ҳам яхши самара бериши мумкин.

Аскорутиннинг қиймати шундаки, унинг таркибий қисми аскорбин кислота ва рутиндан ташкил топган бўлиб, гилос меваларини музлатиб сақлашда мева таркибидаги органик кислоталарни сақлашда самарали натижаларга эришиш мумкин. Бундан ташқари, аскорбин кислота ва рутин тан олинган антиоксидантлардир. Бу рутиннинг оксидланишини сусайтириши ҳақиқатидан аскорбин кислотаси ва унинг антиоксидант хусусиятларини оширади.

Ферментлар таъсирида меваларнинг ранги, аромати ва тузилишидаги ўзгаришларни олдини олиш учун аскорбин ва лимон кислотаси ёки лимон шарбати ишлатилади.

40% шакар сиропи деярли ҳар доим ишлатилади, лекин сустроқ шакар сиропи меванинг таъмини ва нозиклигини яхшироқ сақлайди. Кўпроқ кислотали мевалар учун 50-60% шакар сиропидан фойдаланиш тавсия этилади. Юқоридаги даражадаги сироп концентрациясида музлаш жараёни анча секинроқ бўлади.

Тадқиқотлар давомида гилос мевасини шифобахш хусусиятлари, озуқавий қийматини юқори даражада сақлаш шарти билан турли хил дастлабки ишловлар асосида музлатиш жараёнлари тадқиқ қилинди.

Бунда гилос меваси музлатишдан аввал 30% шакар эритмаси билан ишлов берилиб (махсус ваннада) сўнгра музлатилди.


Иккинчи усулда гилос мевасига 30% шакар эритмаси ва 4% ли аскорутин эритмасини қўшиб тез (шок) усулда музлатилди.

Музлатилган мева намуналари полиэтилен пакетларга қадоқланиб, -20°C дан ҳароратда 12 ойгача сақланди. Намуналарнинг органолептик, кимёвий кўрсаткичлари 3, 6, 9 ва 12 ойда текширилган.


Ушбу тадқиқотда асосан гилос мевасини музлатиб сақлашда озуқавий қиммати ва органолептик кўрсаткичларини сақлаган ҳолда, оптимал қандли сироп концентрациясини аниқлаш, аскорутин таъсирини баҳолашдан иборат.

Биз ўтказган тадқиқотлар “Бычий глаз”, “Майский”, “Воловое сердце” навли гилос мевалари Республиканинг Фаргона вилояти ва Тошкент вилоятида етиштирилган. Гилос мевалари 4-5 г оғирликда, юмалоқ шаклда, тўқ қизил рангли, сувли гўшти ва нордон-ширин таъмга эга. Улар май ойининг ўрталарида - июн бошида пишиб етилади.

Тадиқотда гилос мевалари, 4%ли аскорутин эритмаси (аскорбин кислота, рутин), 30% ли қандли эритма, тез (шок) музлатиш қурилмаси ва музлатиш камераларидан фойдаланилган.



5-расм. Музлатишда гилос меваларидаги эрийдиган каттик моддалар миқдорининг динамикаси.




6-расм. Музлатилган гилос меваларидаги титрловчи кислоталар миқдорининг динамикаси.

Гилос меваларини тайёрлаш саралаш, текшириш, ювиш ва улардаги намликни филтър қоғози орқали олиб ташлаш амалга оширилган. Гилос мевалари 30%ли қандли сироп ва 4%ли аскорутин арлашга эритмада 30 дақиқа


давомида ишлов берилди. Сўнгра гилос мевалари 500г хажимда қадоқланиб камераларда музлатилади -35°C ҳароратда. Музлатилган маҳсулотлар 12 ой давомида -15°C ҳароратда сақланади.

Лаборатория шароитида аниқланган маълумотларга кўра, янги гилос меваларида 10-12% углеводлар, шу жумладан 7-8% моно ва дисахаридлар, 1,5% кислоталар, 1,5% ранг берувчи моддалар ва 100 г мевада 20 мг аскорбин кислотаси мавжуд. Гилосни тез (шок) музлатиш ва сақлаш вақтида полиэтилен қопларга солинган мевалар камаядиган эрийдиган қаттиқ моддаларнинг таркиби 7-17% гача (5-расм), шу жумладан инверт шакарнинг 7-8% га камайиши. Осмотик босим туфайли 30% ли қандли сиропда ишлов берилиб музлатилган гилос меваларидаги эрувчан қаттиқ моддаларнинг 2% га ортиши кузатилди.

Музлатилган гилос мевалари тадқиқот давомида кислоталиги ортиши ва сақлаш муддати 15-20% га камайиши кузатилди (6-расм).



7-расм. Музлатиш ва сақлаш вақтида гилос меваларидаги аскорбин кислотанинг ўзгариши



8-расм. Музлатиш ва сақлаш вақтида гилос меваси таркибидаги танин ва ранг берувчи моддаларнинг ўзгариши

Гилос меваси таркибидаги органик моддаларнинг энг кам йўқотилиши 30%ли қандли сироп эритмасида ишлов берилган ва 4% аскорутин қўшилган намуналарда кузатилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гилос меваларидаги, қанд миқдори, аскорбин кислота ва органик кислоталарни энг яхши сақланиши бу меваларни 30%ли қандли сироп эритмасида ишлов берилган ва 4% аскорутин қўшилган ҳолатларида кузатилди.

30%ли қандли сироп эритмасида ишлов берилган гилос намуналаридаги ранг берувчи моддаларни сақлаш даври мобайнида 35-40% гача камайиши кузатилди. 30% ли қандли сироп эритмасида ишлов берилган ва 4% аскорутин қўшилган гилос намуналарида бу кўрсаткич 20-23% ни ташкил қилди. 30%ли қандли сироп эритмасида ишлов берилган ва 4% аскорутин қўшилган гилос намуналарида танин миқдори бутун сақлаш даври мобайнида ўзгаришсиз қолишини таъминлади.

Тадқиқот учун танланган гилос намуналарида танинлар миқдори 6 ойлик сақлашдан кейин 2 баравар пасайиш кузатилди. Бу оксидланиш-қайтарилишнинг боришини кўрсатади муздан туширилгандан кейин

мевалардаги реакциялар уларга таъсир қилади ва бу танинлар миқдорини камайишига олиб келади.

30%ли шакар эритмасида ишлов бериб музлатилган гилос меваларини органолептик кўрсаткичлари 4,2-4,3 баллни ташкил этди.

Ранги ва ташқи кўриниши бўйича 30%ли қандли сиропда 4% аскорутин кўшилиши билан музлатилган гилос мевалари 5 баллни ташкил этди.

Олинган тадиқот натижалари шуни кўрсатдики, гилос меваларини 30%ли шакар эритмасида 4% аскорутин кўшилиши билан музлатиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Тадқиқотларда гилос меваларига 30% ли қандли сироп 4% аскорутин билан ишлов берилиб 6 ой давомида сақланганда, биринчи усулга нисбатан яъни 4% аскорутинсиз 30%ли қандли эритмада ишлов берилган усулга нисбатан гилос мевасидаги аскорбин кислотани сақланиш даражаси 50% га ортиши шу билан бирга эфир мойлири, ранг берувчи моддаларни сақланиши 20% га, эрийдиган қаттиқ моддаларнинг 10% га, қандларнинг - 5% га кўпроқ сақланиши аниқланди.

4% ли аскорутин кўшилган 20% қандли сиропда музлатилган гилос меваларидан фойдаланиш, юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар учун парҳез овқат ҳисобланади.

Биз олиб борган тадқиқотларимизда гилос меваларини музлатишдан олдин уларга 20 ва 30% концентрацияли сахароза эритмалари билан ишлов берилди. Бундан мақсад, гилос меваларини музлатиб сақлаш даврида таркибидаги углеводлар миқдорининг камайиб кетишининг олдини олиш ҳисобланади.


Моносахаридларнинг миқдори юқори бўлган бундай меваларни музлатишда қандли сироплардан фойдаланиш самарали ва ортиқча электроэнергия сарфланмайди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Шок музлатишда гилоснинг кимёвий технологик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни тадқиқи» деб номланган бўлиб, унда музлатиш жараёни ва сақлаш вақтида гилос мевалари навнинг биологик хусусиятларини, технологик параметрларини ва ўрганилаётган жараёнларнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ўсимлик тўқималарида содир бўлган ўзгаришларга баҳо берилган. Шу билан бирга гилос намуналаридаги углеводлар таркибидаги ўзгариш, моно- ва дисахаридлар, пектин моддалари таҳлили келтирилган.

Тез (шок) музлатиш жараёнидан кейин моносахаридларнинг миқдори барча ўрганилган навларнинг меваларида кўпаяди. Сахаридларнинг максимал миқдори (%) қуйидаги навларда бўлган: Воловое сердце-7,2; Майская-7,0; Бычий глаз-7,4. Моносахаридларнинг кўпайиши, маълумки, сахараза ферменти таъсирида дисахаридлар (сахароза) нинг гидролизи туфайли содир бўлади, бундан ташқари, гилос меваларида музлаш жараёнида криозарарланишни камайтириш мақсадида қандларни тўплаш учун ҳимоя механизми ишга туширилади.

МС ва ДС таркибидаги динамикага бир вақтнинг ўзида содир бўладиган иккита жараён сабаб бўлади: ДС таркибининг пасайиши ҳисобига биокимёвий

жараёнларда иштирок этадиган, айниқса ҳарорат зонаси 0...-5°C дан ўтганда, тезлик билан ошганда МС таркиби кўпаяди. Сақлаш пайтида барча навлардаги меваларда дисахаридлар ва моносакхаридларнинг миқдори камаяди (9-расм).



9-расм. Сақлаш даврида турли навли гилос меваларидаги моносакхаридлар ва дисахаридлар таркибининг ўзгариши

Моносакхаридлар миқдорининг пасайиши навнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Меваларда эрувчан углеводларнинг сақланиши 90,1% дан (Воловое сердце) нави, 98,8% гача (Бичий глаз) нави бўлади.

Гилосдаги моно- ва дисахаридлар билан бир қаторда органик кислоталар энг муҳим сифат кўрсаткичидир, чунки улар меваларнинг нордон таъмини

аниқлайди ва уларни сақлаш пайтида тўпланиши оксидланиш жараёнларининг кучайганлигидан далолат беради. Органик кислоталар алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки улар меванинг ўзига хос таъмини белгилайди ва уларнинг умумий таркиби нав хусусиятларига боғлиқ.

Гилос навига қараб, органик кислоталар орасида лимон, олма, оксалат ва қахрабо кислоталари, шунингдек малон ва фумар кислоталар устунлик қилади. Титрланадиган кислота билан белгиланадиган органик кислоталар миқдорининг ўзгаришини ўрганиш муҳимдир.

Маълумотларга кўра, 4-жадвалдаги янги терилган гилос меваларининг олма кислотасига титрланадиган кислоталиги навга сезиларли даражада боғлиқ ва ўзгариб туради.

Музлатиш ва сақлаш пайтида барча навларнинг меваларида титрланадиган кислоталик ошади, бу кўрсаткичнинг мевалардаги қиймати ўзгаради, аммо органик кислоталар миқдорининг ортиши гилос навига боғлиқ. Музлашдан ва 12 ой давомида сақлашдан кейин кислоталикнинг максимал ўсиши янги узилган мевалар таркибидаги органик кислоталарнинг 30% ни ташкил қилади. Ушбу кўпайиш қисман моносахаридларнинг бирламчи оксидланишига ва, эҳтимол, қисман фенолкарбон ва гидродолчин кислоталар миқдорининг кўпайишига боғлиқ бўлиб, музлатилган гилосда органик кислоталарнинг тўпланишини акс эттиради. Тез (шок) музлатиш шароитлари ушбу жараённинг йўналишига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Гилос меваларини тез (шок) музлатиш пайтида органик кислоталар таркибининг ошиши, афтидан, паст ҳароратларда, табиий ҳолатдаги ўсимлик тўқималарига хос бўлган оксидланиш ва фосфорилланиш жараёнлари ўртасида номувофиқлик мавжудлиги билан изоҳланади.

4-жадвал

Музлатиш ва сақлашда турли навли гилос меваларида титрланадиган кислоталик миқдорининг ўзгариши

Навнинг номи	Титрланадиган кислоталик, %					
	Янги мевалар	Музлатилгандан кейин	Т, ой			
			3	6	9	12
Майская	0,8	0,9	1,1	1,3	1,4	1,4
Бычий глаз	0,7	0,7	1,3	1,4	1,5	1,5
Воловое сердце	0,9	1,0	1,1	1,2	1,4	1,6

Бу кислотали реакцияга эга бўлган оралик цикл маҳсулотларини, шу жумладан кислоталарнинг тўпланишига олиб келади. Музлатилган гилосда нордон таъмининг пайдо бўлиши нафақат титрланадиган кислоталикнинг ошишига, балки меванинг рН қийматининг кислоталик фаоллигининг пасайишига ҳам боғлиқ бўлади.

Қанд ва кислоталарнинг янги ва музлатилган мевалардаги бирикмаси қанд кислотаси индекси билан белгиланади. Қанд-кислота индекси музлатилган гилос таркибидаги таъмининг ўзгаришини белгилашга имкон беради. Музлатиш вақтида эрувчан қанд миқдори бироз ошганига қарамай, органик кислоталар тўпланиб қолганлиги сабабли 12 ой давомида сақланиб қолади, таъми янада

нордон бўлади.

Сақлашнинг 12 оyi охирига келиб кислоталикнинг ортиши, гилос таъмининг ёмонлашишига олиб келади, бу уларни кейинги сақлаш учун муҳим чеклаш ҳисобланади.

Шундай қилиб, музлаш ва сақлаш натижасида эрувчан углеводлар ва органик кислоталарнинг ўзгаришини минималлаштириш учун камида 5,5% эрувчан углеводларга эга бўлган навлардан фойдаланиш керак.

Музлашдан сўнг, барча ўрганилган навларда аскорбин кислотаси таркибида ўртача 4,0...5,1% гача пасайиш кузатилади, бу унинг оксидланиши билан изоҳланади.

5-жадвал

Музлатиш ва сақлаш пайтида гилоснинг ҳар хил навлари меваларидаги аскорбин кислота таркибидаги ўзгаришлар

Навнинг номи	Аскорбин кислотанинг миқдори, мг/100 г						АК нинг сақланиши, %
	Янги мевалар	Музлатилгандан кейин	ой				
			3	6	9	12	
Майская	89,3	84,6	81,2	74,2	44,8	37,6	42
Бычий глаз	95,7	92,2	79,0	75,6	47,5	40,2	48
Воловое сердце	94,2	91,9	79,0	75,6	47,5	39,2	47

Музлатиш жараёнида аскорбин кислотанинг ҳам қайтариладиган, ҳам қайтарилмайдиган оксидланиши содир бўлади, бу эса фермент фаоллигининг ўзгариши билан боғлиқ - аскорбат оксидаза, бу аскорбин кислотани дегидроаскорбин кислотасига, сўнгра дикетогулон кислотасига оксидлайди. 5-жадвалдан кўришиб турибдики, бычий глаз навида АК таркибидаги барқарорлиги ажралиб туради. Умуман олганда, 3 ой давомида сақланган гилосдаги АК йўқотишлари 25,6% ни, сақлашнинг 12 оyi давомида эса ўртача 48,5% ни ташкил этди.

АК сақланишининг максимал қиймати Бычий глаз нави меваларида 48%, энг ками эса Майская навида 42% ни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, АК миқдори сақлаш муддатига қараб сезиларли даражада камаяди.

Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, тез (шок) музлатиш жараёни музлатиш объектининг органолептик кўрсаткичларига деярли таъсир ўтказмайди, шу билан бирга узоқ вақт давомида сақлашдан сўнг музлатилган гилос меваларини муздан туширилганда маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида гилосни музлатишнинг энг мақбул технологик режими сифатида -35°C ҳароратда тез (шок) музлатилиб, 12 ой давомида сақланган намуналарнинг сифат кўрсаткичлари юқори даражада сақланиб қолиши аниқланди.

Тез шок усулда музлатиш камерасидаги ҳароратини -30 ÷ -35°C га тушириш орқали маҳсулотни интенсив музлатишга асосланган. Музлатиш камерасида ҳаво музлатиш агенти вазифасини бажаради ва ўз навбатида юқори тезликда маҳсулотга таъсир этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳароратнинг ушбу даражадан пастроқ бўлиши (-40 ёки -50°C) маҳсулот ичидаги муз

кристалларини ҳажми ортишига ва деформацияланишига олиб келади. Ўз навбатида технологик жараён давомида ортиқча қувват сарфланишига олиб келади.

Технологияни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги. Тез музлатиш учун такомиллаштирилган технология, шу жумладан, шакар сиропини қайта ишлаш жараёнида таркибий қисмларнинг масалан С витамини йўқотилишини 13% га, қанд миқдори ўртача 17% га камайтиради ва тайёр маҳсулотнинг органолептик хусусиятларини яхшилайти. Агар музлатилган гилос намуналарини нави бир босқичга яхшиланишини ҳисобга олсак ва бу мавжуд технология билан олинган маҳсулотларга нисбатан 0,5 центдан 1,5 долларгача фарқ қилади.

2019-2020 йилда "GOLD DRIED FRUITS EXPORT" МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришни жорий этиш натижасида ҳисобланган иқтисодий самараси (гилосни қайта ишлаш ҳажми 900 тонна) 600 млн сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўтказилган тадқиқотлар асосида тадқиқот учун олинган гилос навларидан шок музлатиш ва сақлаш учун энг қулай ва мос нави сифатида Бычий глаз анви эканлиги экспериментал аниқланди.

2. Анъанвий музлатилган ва шок музлатилган гилос намуналарини сақлаш давридаги тафовут 3-6 ойни ташкил қилиб, шок усулда музлатилган 30%ли қандли сироп ва 4%ли аскорутин билан ишлов берилган намуналар 9 ойгача ўзида моно ва дисахаридлар миқдорини максимал сақлаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

3. Шок усулда музлатилган намуналарга 30%ли қандли сироп ва 4%ли аскорутин билан ишлов бериш орқали сақлаш даврини 9 ва 12 ойларида мос равишда қандлар миқдорини 87% ва 74% гача табиий сақлаш имконини бериши аниқланди. Шу билан бирга аскорбин кислота миқдори сақлаш даврини 9 ва 12 ойларида мос равишда 62% ва 42% ни ташкил этиши аниқланди.

4. Гилос намуналарини анъанавий ва шок музлатиш натижасида улардаги органолептик кўрсаткичларнинг ўзгариши, ранги, текстурасини ўзгариши тахлил қилинди.

5. Шок музлатишда совутиш агентини оптимал тезлик кўрсаткичи 15м/с, оптимал совутиш ҳарорати сифатида -35°С ҳароратда олинган натижалар орқали аниқланди.

6. Музлатилган маҳсулотларни органолептик кўрсаткичлари қиёсий тахлил қилиниб баҳоланди.

7. Гилос намуналарини шок музлатиб сақлаш, меваларга 30%ли қандли сироп ва 4%ли аскорутин билан ишлов бериш жараёни ишлаб чиқариш корхонасида синовдан ўтказилиб, самарадорлиги аниқланди. Гилос намуналарини шок музлатишдан аввал сақлашдан аввал 30%ли қандли сироп ва 4%ли аскорутин билан ишлов бериб, сақлаш жараёнида мевалардаги модда миқдорини максимал сақлаш натижасида 2019-2020 йилда "GDF-Export" МЧЖда - 600 млн. сўм йиллик иқтисодий самара олишга эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АРИПОВ МИРОЛИМ МИРАЗИМ УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ЗАМОРАЖИВАНИЯ
ЧЕРЕШНИ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В2022.3.PhD/Т3043

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу ik-kitmu.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Маматов Шерзод Машрабжанович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Баракаев Нусратилла Ражабович
доктор технических наук, профессор

Сагдуллаева Дилафруз Саидакбаровна
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «23» 03 2023 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №508 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «3» 03 2023 года.
(протокол рассылки № 508 от 3.03 2023 г.).



С.М. Туробжанов
Председатель Научного Совета по
приеуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

Х.И. Кадиров
Ученый секретарь Научного Совета по
приеуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

К.П. Серкаев
Председатель Научного семинара при
Научном Совете по приеуждению учёных
степеней, д.т.н., доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире спрос на сезонные фрукты и овощи, богатые натуральными витаминами, микро- и макроэлементами, растет с каждым годом. При этом актуальное значение имеют проводимые реформы по совершенствованию технологии заморозки, повышению продуктивности плодов, обуславливающих их неповторимый вкус наряду с природными моно- и дисахаридами, удержание их органических кислот в пределах норм.

В мировой пищевой промышленности ведутся научные исследования по сохранению фруктов и овощей на основе качественных и энергоэффективных технологий. В связи с этим особое внимание уделяется разработке и апробации технологий консервирования богатых витаминами и минералами плодов, сохраняющих значения основных параметров окраски, текстурных параметров и ферментативной активности в периоды традиционной и шоковой заморозки.

В Республике в последние годы достигнуты определенные результаты по модернизации предприятий пищевой промышленности, расширению видов и размеров конкурентоспособной продукции, разработке перспективных и эффективных технологий заморозки для сохранения плодов черешни, которые считаются важными источниками биологически активных веществ, выращенных в Узбекистане. В новой стратегии развития Узбекистана определены важные задачи по «углублению структурных преобразований и последовательному развитию потенциала переработки сельскохозяйственной продукции, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой, качественной продукции, значительному повышению экспортного потенциала аграрного сектора»¹. В связи с этим актуальным является использование азотных морозильных аппаратов, создание усовершенствованных непрерывных процессов для увеличения скорости охлаждения продуктов быстрой (шоковой) заморозки путем перемещения их из камеры в морозильный аппарат, а также оптимизация технологий производства, сокращающих продолжительность замораживания и использовать экологически чистые охлаждающие вещества.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Приказе Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана», №УП-4406 от 29 июля 2019 года «О дополнительных мерах по глубокой переработке сельскохозяйственной продукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности», №УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», №УП-3484 от 19 января 2018 года «О мерах по опережающему развитию пищевой цепи», №УП-3680 от 26 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы»

страны», а также других нормативно-правовых актах, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по совершенствованию технологий заморозки и консервирования фруктов и овощей велись учеными: К.А. Fikiin, D.M. Barrett, L.P. Somogyi, H. Ramaswamy, M.G. Ските, С.А. Райе, К.А. Анджелл, Эрдели Л., Алматн Э., Шарой Т., Аверин Г.Д., Журавская Н.К., Каухчешвили Э.И. Антонов А.А., Венгер К.П., Венгер К.П., Антонов А.А. Г.А. Белозеров, М.А. Дибирасулаев, В.Н. Корешков, З.С. Салимов, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Артиқов, О.Ф. Сафаров, Х.С. Нурмухамедов, Ж.М. Курбанов, Х.Ф. Жураев, Қ.О. Додаев, Зокиров С.Г., Маннонов У.В., Shamsutdinov B. и др.

